Тиловат килинган ва тиловат килинмаган вахийлар

Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) га нозил килинган вахийлар икки кисмга бўлинади.

1. Куръони Карим оятлари

Оятларнинг лафзи хам, маъноси хам Аллох таоло тарафидан нозил килинган бўлиб, химоясини хам Аллох таоло Ўзи зиммасига олгандир. Бундай вахийга тиловат килинган вахий дейилади.

2. Куръони Каримнинг жузъи хисобланмаган вахий.

Бу вахий Куръоннинг бир кисми дейилмайди, лекин бу вахий воситасида Пайгамбар (алайхиссалом)га кўп ахкомлар берилган. Бундай вахийга тиловат килинмаган вахий дейилади.

Тиловат килинган вахийда Исломнинг асосий таълимотлари, усуллари, акойидлари билан кифояланган. Бу таълимотларнинг тафсили ва хар бир масалаларнинг бўлак-бўлак баён килинишлиги тиловат килинмаган вахий оркали Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га баён килиб берилган. Тиловат килинмаган вахийлар сахих хадислар шаклида сакланиб келади. Бундай тиловат килинмаган вахийлар хам Пайгамбар (алайхиссалом)нинг калбларига ташлангандир. Лекин маъноларига таъбир беришлик учун сўзларни Пайгамбар (алайхиссалом) ўзлари ихтиёр килганлар. Яъни лафзи Пайгамбар (алайхиссалом)га нозил килинмаган, балки маъноси нозил килинган. Бу хакда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг ўзлари шундай мархамат киладилар: «Менга Куръон берилди ва у билан бирга унга ўхшаши хам берилди». Бундан мурод тиловат килинмаган вахийдир. Ушбу хадисда Куръони Карим билан бирга унга ўхшаш бошка таълимотларнинг хам зикри келди. Куръони Каримдан бошка таълимотлардан максад тиловат килинмаган вахийдир.

Демак, Исломнинг асосий жузъий тафсилотлари бизга Пайгамбар (алайхиссалом) тарафидан тиловат килинмаган вахий оркали баён этилган. Шунинг учун бундай вахийлар хам шариатда ўта ахамиятга эгадир. Лекин мусулмонлик даъвосида бўлган баъзи фиркалар исломий хукмлардан ўзларини олиб кочиш, озод килиш учун тиловат килинмаган вахийни хеч нарса эмас, деган масалани кўтариб чикишди. Улар айтадиларки: Пайгамбар (алайхиссалом)га канча вахий нозил килинган бўлса, улар Куръони Каримда сакланган. Куръони Каримдан бошка ахкомлар Пайгамбар (алайхиссалом) тарафидан айтилган бўлса, гўёки мамлакатнинг бир конуни ўрнидадир. Бу конунлар ўша замондаги мусулмонлар амал килиши вожиб бўлган, бугунги кунда унга амал килиш вожиб эмас. Бу тоифалар хадисни инкор килувчи тоифалардир. Лекин уларнинг бу хаёллари бутунлай ботил хаёлдир. Куръоннинг бир неча оятларида вахий факатгина Куръонга чегараланмаганлиги, балки оятларсиз хам Пайгамбар (алайхиссалом)га кўп хукмлар баён килингандир. Бу сўзимизга ушбу оят далил бўла олади:

وَمَا جَعَلْنَا الْقِبْلَةَ الَّتِي كُنْتَ عَلَيْهَا إِلَّا لِنَعْلَمَ مَنْ
يَتَّبِعُ الرَّسُولَ مِمَّنْ يَنْقَلِبُ عَلَى عَقِبَيْ

«Сен аввал юзланган киблани, факат ортга бурилиб кетганлар ким-у, Пайгамбарга эргашувчилар ким эканлигини билиш учунгина килганмиз». (Бакара-143)

1 / 2

Тиловат килинган ва тиловат килинмаган вахийлар

Хаммамизга маълумки, Мадинада мусулмонлар маълум муддат Байтул Макдисга караб намоз ўкидилар. Сўнгра иккинчи марта Байтуллохга караб намоз ўкишга хукм бўлди. Бунга юкоридаги оят хам нозил бўлди. Ушбу оятдан маълумки, Байтул Макдисга караб намоз ўкишлик хукмини Аллох таоло ўзига нисбат беряпти. Бунинг маъноси шуки, бу хукм хам Аллох томонидан берилган экан. Лекин Фотиха сурасидан то ан-Нос сурасигача ўкилган бирон жойда «Байтул Макдисга караб намоз ўкинг!» деган хукм йўк. Балки бу хукм Куръон бўлмаган, бошка вахий билан билдирилган. Бу вахий тиловат килинмаган вахий дейилади.
Яна бир далил Тахрим сурасининг 3-ояти.

وَإِذْ أَسَرَّ النَّبِيُّ إِلَى بَعْضِ أَزْوَاجِهِ حَدِيثًا فَلَمَّا نَبَّأَتْ
بِهِ وَأَظْهَرَهُ اللَّهُ عَلَيْهِ عَرَّفَ بَعْضَهُ وَأَعْرَضَ عَنْ بَعْضٍ
فَلَمَّا نَبَّأَهَا بِهِ قَالَتْ مَنْ أَنْبَأَكَ هَذَا قَالَ نَبَّأَنِيَ
الْعَلِيمُ الْخَبِيرُ

Пайгамбар хотинларидан бирига (Хафсага) бир гапни хуфёна айтганини эсланг! Бас, качонки, (Хафса) у (сир) хакида (Оишага) хабар бергач, Аллох уни (Пайгамбарни) бундан вокиф килди ва у (Пайгамбар Хафсага ўзи билган нарсанинг) баъзисини билдирди ва баъзисидан юз ўгирди (билдирмади). Бас, качонки, (Пайгамбар Хафсага) хабарни айтгач, у: «Ким сизга бу хабарни берди?» – деди, (Пайгамбар): «Менга билувчи ва хабардор Зот (Аллох) хабар берди», деди.
Бу оятнинг шархини мухтасар килиб айтадиган бўлсак, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) аёлларининг бири Хафса онамизга гапни яширин айтди. Яширин гап Мория онамизга якинлик килмаслик ёки асал ичмаслик хакида айтган гаплари эди. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) бировга айтма, мен ўзимга фалон нарсани харом килдим, деган гапларини Хафса онамиз (розияллоху анхо) Оиша онамиз (розияллоху анхо)га айтиб кўйди. Аллох таоло Хафса онамизнинг сирни фош килганлигини Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам)га фаришта Жаброил (алайхиссалом) оркали билдирди. Пайгамбар алайхиссалом) Хафса онамизга сирни Оиша онамизга фош килганликларини эслатганларида, у: «Бу хабарни сизга ким етказди?» деб сўради. Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) «Менга билувчи ва хабардор Зот (Аллох) хабар берди», деди.
Шу оятдан очик-ойдин маълум бўляптики, мазкур сирли гапларни Аллох таоло вахий оркали билдирган. Холбуки, Куръони Каримнинг хамма жойини текшириб чиксак хам, бунинг зикри йўк. Яъни «Фалон аёлингиз сизнинг бу сирингизни фалончига фош килди», деган жойи йўк. Шундан маълумки, бу нарсалар Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га тиловат килинмаган вахий оркали нозил килиб билдирилган.
Бошка бир канча оятларда хам тиловат килинмаган вахийлар борлиги собитдир. Хакикатни зохир килишлик ушбу далилларимиз билан рўёбга чикканлиги учун бошка далилларни келтирмадик.

Кудратуллох Сидикметов тайёрлаган

2 / 2